

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 980-ҳадис

980 - وَعَنْ أَبِي جَعْفَرٍ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَعْفَرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: أَرَدَفَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ حَلْفَهُ، وَأَسْرَرْتُ إِلَيَّ حَدِيثًا لَا أُحَدِّثُ بِهِ أَحَدًا مِنَ النَّاسِ، وَكَانَ أَحَبَّ مَا اسْتَتَرَ بِهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَدَفٌ أَوْ حَائِشٌ نُحْلٍ يَعْنِي حَائِطَ نُحْلٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ هَكَذَا مُخْتَصَرًا.

وَزَادَ فِيهِ الْبَرْقَانِيُّ بِإِسْنَادٍ مُسْلِمٍ هَذَا بَعْدَ قَوْلِهِ: حَائِشٌ نُحْلٍ: فَدَخَلَ حَائِطًا لِرَجُلٍ مِنَ الْأَنْصَارِ؛ فَإِذَا فِيهِ جَمَلٌ، فَلَمَّا رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَرَجَرَ وَذَرَفَتْ عَيْنَاهُ، فَأَتَاهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَمَسَحَ سَرَاتَهُ - □ أَي: سَنَامَهُ - □ وَذَفَرَاهُ، فَسَكَنَ، فَقَالَ: «مَنْ رَبُّ هَذَا الْجَمَلِ؟ لِمَنْ هَذَا الْجَمَلُ؟» فَجَاءَ فَنَى مِنَ الْأَنْصَارِ فَقَالَ: هَذَا لِي يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَالَ: «أَفَلَا تَتَّقِي اللَّهَ فِي هَذِهِ الْبَهِيمَةِ الَّتِي مَلَكَكَ اللَّهُ إِيَّاهَا؟ فَإِنَّهُ يَشْكُو إِلَيَّ أَنْتَ تُبْجِعُهُ وَتُدْبِئُهُ». وَرَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ كَرَوَايَةَ الْبَرْقَانِيِّ [2549].

قَوْلُهُ: «ذَفَرَاهُ» هُوَ بِكَسْرِ الدَّالِ الْمُعْجَمَةِ وَإِسْكَانِ الْفَاءِ، وَهُوَ لَفْظٌ مُفْرَدٌ مُؤَنَّثٌ، قَالَ أَهْلُ اللُّغَةِ: الدِّفْرَى: الْمَوْضِعُ الَّذِي يَعْرِقُ مِنَ الْبَعِيرِ حَلْفَ الْأُذُنِ، وَقَوْلُهُ: «تُدْبِئُهُ» أَي: تَنْعِبُهُ.

980. Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни мени ортларига мингаштириб олдилар. Менга бир гапни пичирлаб айтдилар. Мен уни бирорта одамга айтмайман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳожатлари учун тўсиқ қилинадиган нарсаларининг энг суюклиси дўнглик ёки хурмо чакалакзори, яъни хурмо чорбоғи эди».

Имом Муслим мана шу кўринишдаги қисқа ҳолда ривоят қилдилар.

Барқоний имом Муслимнинг иснодлари билан «Хурмо дарахти девори тўсиқ бўлар эди» сўзидан кейин қуйидагиларни зиёда қилдилар:

«Дўнглик ёки хурмо боғининг девори эди» сўзидан кейин..

Бир ансорийнинг боғига кирган эдилар, бир туяни кўриб қолдилар. Туя Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўргач, инграб, кўзлари ёшланди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ёнига келиб, ўркачи ва қулоқларининг орқасини силаган эдилар, туя жим бўлиб қолди. Шунда у зот: «Бу туянинг эгаси ким? Бу туя кимники?» дедилар. Бир ансорий йигит келиб, «Меники, эй Аллоҳнинг Расули», деди. Шунда у зот: «Аллоҳ сенга мулк қилиб берган бу ҳайвон ҳаққида Аллоҳдан кўрқмайсанми? Уни оч қолдиришинг, оғир меҳнат қилдиришингдан менга шикоят қилмоқда», дедилар».

Абу Довуд ҳам Барқоний каби ривоят қилдилар.

Шарҳ: Асосан сафарда миниш ва юк ташиш учун қўлланилган туя ва бошқа ҳайвонларнинг ҳақларини ҳимоя қилиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш туя эгаларининг вазифасидир. Ҳар иккала ҳадиси шарифда ҳам бу масалада эътиборсиз бўлган туя соҳибларига Пайғамбаримиз с.а.в. жиддий огоҳлантирганларига гувоҳ бўлмоқдамиз. «Оламларга раҳмат бўлиб юборилган» Пайғамбаримиз с.а.в.нинг у юксак шафқатларидан бутун жонзотлар каби ҳайвонлар ҳам насибаланишган.

Шафқат ва раҳмат булоғи бўлган Пайғамбаримиз с.а.в.ни кўриб инграган ва кўзлари ёшланган туя, у зотни таниди ва ўзига хос тили билан соҳибидан шикоят қилди. Пайғамбаримиз с.а.в. муборак қўллари билан силагандилар туя сокинлашди. У очлигини ва изтиробини унутди.

Пайғамбаримиз с.а.в.нинг ҳар иккала ҳадисда ҳам атрофидагиларга ва туя эгаларига бир хил шаклда огоҳлантириш берганларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳайвонларни доимо қоринлари тўқ ва тўлишган ҳолида ишлатишга буюрмоқда. «Сизни соҳиб қилган бу оғизсиз-тилсиз ҳайвонлар ҳақида Аллоҳдан кўрқмайсизми?» деб огоҳлантирмоқда.

Ҳайвонларга кўрсатиладиган шафқат масаласида Пайғамбаримиз с.а.в.нинг бошқа эслатма ва тавсиялари ҳам бордир.

Сувсизликдан тупроқни ялаган итига оёқ кийими билан қудуқдан сув олиб берган бир кимсанинг (фохиша бир аёлнинг) кечирилгани; уйда мушугини оч қолдириб, ўлимига сабабчи бўлган бошқа бир аёлнинг шу сабабли жаҳаннамга йўл олганини Пайғамбаримиз с.а.в.нинг бизга хабар берган ўрнақларидандир.

Такрор айтиб ўтайлик, кучидан, гўштидан ва сутидан фойдаланилган

хайвонларни муҳофаза қилиш, уларни соғ ва семиз бир шаклда фойдаланиш эгаларининг вазифасидир. Бу вазифани бажармаганларга эслатма бериш, огоҳлантириш эса бошқа мусулмонларнинг ҳаққи ва вазифасидир. Ҳар бир инсон бу вазифага масъул экан мусулмон бир жамоатда алоҳида ҳайвонсеварлар жамияти тузишнинг ҳожати йўқдир. Чунки ислом жамоати ҳақиқатдан ҳам раҳмат жамоатидир.

Манба: hadis.islom.uz

